

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ ПОЙТАХТ ШАҲАРЛАРИ НОМЛАНИШИНИНГ ТАРИХИЙ - ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ

**Байқабиллов Хуснудин Марданович**

География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
Қарши давлат университети География кафедраси доцент в.б.

***Аннотация.** Ушбу мақолада Марказий Осиё пойтахт шаҳарлар номланишининг тарихий географик жиҳатлари ёритилган. Шунингдек, мақолада Марказий Осиё пойтахт шаҳарларининг шаклланиш тарихи ҳамда номланишига оид баҳс мунозаралар ҳам тарихий факт сифатида келтирилган.*

***Калим сўзлар:** пойтахт, махсус федерал округ, Тошкент, Нурсултон (Астана), Бишкек, Ашхобод, Душанбе.*

***Annotation.** This article describes the historical and geographical aspects of the naming of Central Asian capitals. The article also discusses the history of the formation and naming of the Central Asian capitals as a historical fact.*

***Keywords:** capital, special federal district, Tashkent, Nursultan (Astana), Bishkek, Ashgabat, Dushanbe.*

**Кириш.** Пойтахт – давлатнинг бош шаҳри, мамлакатнинг маъмурий-сиёсий маркази. Пойтахт одатда, марказий (умуммиллий) ҳукумат, парламент ва суд муассасалари қароргоҳи ҳисобланади. Одатда, пойтахт алоҳида бошқарув тартиби бўлган мустақил маъмурий бирликка ажратилади. Кўпчилик федератив давлатларда пойтахт федерациянинг бирон-бир субъекти ҳисобланмайдиган махсус федерал округ ҳудудида жойлашган бўлади. Кўпчилик мамлакатларда пойтахт қаерда бўлиши конституция матнида тўғридан-тўғри кўрсатилади. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 6-моддасида “*Ўзбекистон Республикасининг пойтахти*

– *Тошкент шаҳри*” дейилган [1]. Шаҳарларни кўзгу десак, муболаға ҳисобланмайди. Чунки, бирор жамиятнинг ривожланишига ёки бугунги кун таракқиётига баҳо берадиган бўлсак, унинг шаҳарларига, хусусан пойтахт шаҳарларига қараб хулоса чиқарамиз.

**Ишнинг мақсади ва вазифалари.** Биз қуйида Марказий Осиё пойтахт шаҳарларини шаклланиши ва номланишининг тарихий-географик хусусиятларини ёритишни лозим топдик.

Мамлакатимиз пойтахтининг номи **Тошкент** ҳам тарихий нуқтаи назардан баҳс-мунозарали номлар сирасига киради. Тошкент ҳақидаги дастлабки аниқроқ маълумотлар мил.ав. II аср – мил.ав. V асрларга мансуб Хитой манбаларида учрайди. Уларда Тошкент “*Чоч*” сўзининг хитойча талаффуз этилиши натижасида ҳосил бўлиб, ҳатто охириги “*Ши*” топоними хитойчада “тош” маъносини англатган. Ёзма манбаларда келтирилишича, Тошкентнинг қадимги номи “*Чоч*” бўлган.

Тошкент араблар тасарруфига ўтгач, араб алифбосида “ч” ҳарфининг йўқлиги боис араб тилидаги асарларда *Шош* деб юритилган. Илк ўрта асрларда шаҳар “*Шошкент*”, “*Мадинат аш-Шош*”, “*Бинкат*” ва “*Таркан*” деб номланган.

Истахрийнинг “Китоб ал-масолик вал мамолик” (“Йўллар ва мамлакатлар тўғрисидаги китоб”) асарида Шошнинг бош шаҳри *Бинкат* деб кўрсатилади.

X асрда ёзилган муаллифи номаълум асар “Худуд ул-олам” (“Оламнинг чегаралари”) китобида “*Чоч бу катта вилоят, халқи жанговар ва саҳийдир. У ерда камон ва ўқ-ёй ясалади. Бинкат Чочнинг пойтахти ҳисобланади. Бу катта шаҳар, айна вақтда подшоҳнинг қароргоҳидир*”, деб таърифланади.

Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарида Чоч ўзининг камони Шоший (ўқ-ёйлари) билан машҳурлиги ҳақида мисралар бор.

Шаҳар *“Тошкент”* номи билан даставвал XI асрнинг машҳур алломалари Абу Райҳон Беруний ва Маҳмуд Қошғарий асарларида тилга олинади.

Беруний *“Ҳиндистон”* асарида Тошкент номининг келиб чиқиши тўғрисида сўз юритиб, *“Тош”* сўзи асли туркча бўлиб, Шош кўринишини олган. *“Тошканд – тошли қишлоқ демакдир”* деб изоҳлайди [3].

Маҳмуд Қошғарийнинг маълумоти бўйича, Тошкент XI-XII асрларда *“Таркан”* деб юритилган.

*“Бобурнома”* асарида Заҳириддин Муҳаммад Бобур Тошкент номи устида тўхталиб, *“...асарларда Тошканд номини Шош, баъзан Чоч ёзадилар”* деб қайд этган [4]. Бироқ XVI аср охири ва XVII аср бошларида Тошкент топоними шуҳрат топиб, унинг қадимий Чоч, Шош ва Бинкат номлари аста-секин истеъмолдан тушиб қолади.

XVII асрда яшаган тарихчи олим Маҳмуд ибн Вали шундай ёзади: *”Шош – Сайхун (Сирдарё)нинг у томонига жойлашган шаҳар ва Туркистон(вилоят)га қарайди... Уни Чоч атайдилар. Бироқ ҳозирги вақтда у Тошкент номи билан машҳурдир”*.

Юнонистонлик олимлар шаҳар номини *“Лифивос Петрос”* яъни, *“Тошқалъа”* деб тилга оладилар.

Рус тадқиқотчиси Е.Д.Поливанов *“Тошкент – тозиклар шаҳри, мусулмонлар шаҳри ёки араблар шаҳри демакдир. Маҳаллий аҳоли арабларни този, тозик деганлар”* деб ёзади [10].

Республикамизга чегарадош Қозоғистон Республикасининг пойтахти **Нурсултон** шаҳри 1830 йилда Оқмўла (қозоқча, *мўла* – *“қабр, мозор”*) қалъаси сифатида барпо қилинган. Орадан икки йил ўтгандан кейин, яъни 1832 йили аҳоли пунктига округнинг маркази сифатида шаҳар мақоми берилган ва номнинг қозоқча асоси сақланган ҳолда Акмолинск деб ўзгартирилган. 1961-1992 йилгача Целиноград (русча, *целина* – *“қўриқ”*, *град* – *“шаҳар”*) 1961 йилгача ва 1992 йилдан 1998 йилгача Оқмўла, 1998 йилдан эса Остона деб аталган. 1992 йили шаҳарга унинг тарихий

номи Окмўла қайтариб берилди. 1994 йил пойтахтни ушбу шаҳарга кўчириш тўғрисида қарор қабул қилинди ва 1997 йил 10 декабрь куни Қозоғистон пойтахти деб расман эълон қилинди. Шундан кейин пойтахтга янги ном танлаш учун республика миқёсида танлов эълон қилинди ва танловда Астана номи ғолиб чиқди [7]. Тарихий географик ўрнига кўра, шаҳар Ишим дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган.

Тарихий маълумотларга кўра, Қозоғистоннинг дастлабки пойтахти Қизилўрда шаҳри бўлган (Қозоғистон АССР бўлган даврларда маъмурий марказ этиб, Оқмасжид шаҳри кейинроқ шаҳар номи Қизилўрда деб ўзгартирилди). 1929 йили Қозоғистон АССРнинг пойтахтини Қизилўрдадан кўчириш масаласи яна қўзғалди Ўтмишга назар солсак, тарихда Сирдарё ва Еттисув областлари (ўша пайтларда шундай деб аталган, ҳозирги Чимкент ва Жамбул вилоятлари ҳудудига тўғри келади) Қозоғистон АССР таркибига киради. Қозоғистоннинг маъмурий идоралари Оқмасжид шаҳрига келиб жойлашади ва унга шўроларга мос Қизилўрда деган янги ном берилди ҳамда Қозоғистоннинг пойтахти деб эълон қилинди. РСФСР ҳукумати Қозоғистон АССРга Олмату шаҳрини (бу шаҳарнинг асли тарихий номи шундай, “Бобурнома”да ҳам шундай ёзилган, *Олмату* деган сўзнинг луғавий маъноси “*олмазор*” дир) пойтахт қилишига рухсат беради [6].

2019 йил март ойида Қозоғистоннинг янги президенти Қосим-Жўмарт Тоқаев мамлакат пойтахти Остонани Нур-Султон дея қайта номлаш тўғрисидаги фармонини имзолади [11]. Фармон матнида “*Қозоғистон Республикаси пойтахти Остона шаҳри – Қозоғистон Республикаси пойтахти Нур-Султон дея қайта номлансин*”, дейилган. (Қозоғистоннинг Конституциясининг 2-моддасида мамлакат пойтахти Остона шаҳри эканлиги қайд қилинган, пойтахт номини ўзгартириш учун Конституцияга ўзгартиш киритиш талаб этиларди). Остона номини мамлакатнинг биринчи президенти Нурсултон Назарбоев шарафига қайта номлаш ташаббуси 2019 йил 20 март куни янги президент Қ.Тоқаев томонидан билдирилган. Қозоғистон парламенти 20 март куни қўшма йиғилишда мамлакат конституциясига

тегишли ўзгартиришларни қабул қилди. Қайд этиш жоизки, Қозоғистон қонунчилиги Тоқаевга Конституцияга ўзгартиришлар киритиш таклифини илгари суриш имконини бермасди. Шунга қарамай, Остонани қайта номлаш учун референдумнинг ўрнини парламентдаги овоз бериш билан тўлдиришни назарда тутувчи кўп юришли комбинациядан фойдаланилди. 2019 йилнинг 21-22 март кунлари Остона ва Олма-отада пойтахт номи ўзгартирилишига қарши митинглар ўтказилди. Пойтахтни Н.Назарбоев шарафига номлаш аввал ҳам бир неча бор сиёсатчилар ва жамоатчилик вакиллари томонидан таклиф этилган. Охириги марта 2016 йилнинг ноябрида қозоғистонлик депутатлар пойтахтни Нурсултон ва Назарбоев номи билан қайта номлаш ташаббусини илгари суришган, аммо президент Н.Назарбоев бунга қарши чиққан эди. Мамлакат пойтахтининг номини ўзгартириш катта харажатларни талаб қилади. “Алпари” ахборот-таҳлилий маркази директори А.Разуваев томонидан маълум қилинишича, бу Қозоғистон иқтисодиётига тахминан 125 миллион долларга тушади. *“Пойтахт номини ўзгартириш арзон иш эмас. Масалан, пойтахт аҳолисига янги ҳужжатлар беришига 80 миллион доллар, янги кўрсаткич ва белгилар учун камида 25 миллион доллар, янги хариталар учун 5 миллион доллар кетади”*, деган Разуваев. Унинг айтишича, Остона номи қайд этилган қатор қонун ҳужжатлари ва конституция ҳам янги таҳрирда чиқиши керак ва бу ишларга 15 миллион доллар сарфланади. Қозоғистон молия вазири А.Смаилов Остонанинг номини ўзгартириш учун кетадиган харажатлар ҳали тўлиқ ҳисоблаб чиқилмаганлигини ва пуллар давлат бюджетидан сарфланишини айтган. Таъкидлаш керак, эндиликда Нурсултон Назарбоев шарафига Нур-Султон деб аталадиган шаҳар номи ҳозиргача 5 мартаба ўзгарган. Шаҳар ҳозиргача Акмолинск, Целиноград, Оқмўла, Остона ва Нур-Султон. Шаҳар 1998 йилдан буён Қозоғистон пойтахти ҳисобланади.

Қирғизистон мустақилликни қўлга киритгандан кейин шаҳар ва қишлоқларни қайта номлаш борасида жиддий тадбирларни амалга оширди. Олиб борилган миллий топонимик сиёсат натижасида, славян (рус) тилларга

хос номларнинг сони кескин камайди. Ўзгартирилган номлар қаторига республика пойтахти Бишкек шаҳри номини ҳам киритиш мумкин. Ҳозирги Бишкек ўрнида 1825 йили Қўқон хонлиги томонидан Пишпак (қўқонлик тарихчилар асарларида Пишпак) қалъасига асос солинган ва 1926 йилгача шу ном билан аталган. 1926 йили шаҳарга собиқ шўролар ҳарбий қўмондони ва давлат арбоби М.В.Фрунзе номи берилган [5]. 1991 йили мамлакат пойтахти номи ўзгартирилди ва Бишкек деб қайта номланди. Қирғиз топонимисти Е.Қўйчибоев топонимни “беш тепа” деб таърифлаган [7]. Бугунги кунда Қирғиз Республикасида пойтахт Бишкекни Манас деб ўзгартириш таклиф қилинди. Бундай ташаббус билан мамлакат президенти аппаратининг собиқ раҳбари, давлат маслаҳатчиси Эмилбек Каптагаев билдирган. *“Маълум вақт ўтгандан кейин бизга истак пайдо бўлмаслиги учун балки пойтахтни бира тўла Манас деб қайта номлаш керакдир. Бу ҳар томонлама адолатли бўларди. Бишкек тумани деб эса Свердловск туманини аташ керак, чунки айнан шу ерда ҳозирда нимагадир Кузнецкий қўргони деб аталувчи Пишпек истеҳкоми жойлашган ва эҳтимол бир пайтлар Бишкек овули бўлган”*, деб ёзган Каптагаев. Давлат маслаҳатчиси мамлакат пойтахтининг аталишига сабаб бўлган Бишкек ботирнинг мавжуд бўлгани ва улуғ ишларини тарихий нуқтаи назардан баҳсли деб атаган. Унинг айтишича, Бишкек ботир бўлганининг афсоналардан бошқа бирорта ишончли тарихий манбаси йўқ.

**Ашхобод** – иккинчи компоненти обод сўзи билан ифодаланган топоним. Туркманча Ашгабат, арабча - “ошиқ” ва форсча “обод” сўзлари бирикмасидан ҳосил бўлган. 1919 йилгача Ашхобод деб аталган. 1927 йил Ашхобод номини олди [2]. Географик номлар таркибида бир хил элементларнинг такрорланишини олимлар аввалдан пайқаган. Масалан, XII – XIII асрларда ижод қилиб, 10 жилдлик “Муъжам ул-булдон”(“Мамлакатлар луғати”) асарини ёзган араб географи ва тилшуноси Ёқут Ҳамавий шаҳар-қишлоқларнинг номлари таркибида келадиган “обод” унсури форс тилида “аҳоли манзилгоҳи” маъносини билдиради. Ашгабат кўпчиликнинг таъбирича, ишқ, ошиқ сўзи билан боғлиқ бўлиб, “ошиқлар шаҳри”, “ҳавас

киладиган жой” демакдир. Асхобод туркманча усх – “ёқимли”, обод – “шаҳар” деган маънони беради. Шаҳар Копетдоғ тизмасининг шимолий этакларида, Ахал воҳасида жойлашган. Ашхобод шаҳри 1881 йил Асхобод кишлоғи ўрнида вужудга келган [9].

**Душанбе** – тожикча сўз бўлиб, дастлаб Варзоб дарёси бўйидаги кишлоқ номидан келиб чиққан. Қўлёзмаларда Душанбе кишлоғи XVII аср бошидан тилга олинган. 1929 йилдан 1961 йилгача Сталинобод деб номланган [7]. 1961 йили унинг аввалги номи қайта тикланди. Баъзан, бозор бўладиган кунга қараб аҳоли пунктларига ном ҳам берилган. Душанбе шаҳрининг номи ҳам шу йўсинда пайдо бўлган номлар сирасига киради. Топоним тожикча “Ҳафтанинг иккинчи куни” деган маънони билдиради. Шаҳар Варзоб дарёсининг денгиз сатҳидан 750-930 м баландликдаги кенг террасаларида жойлашган. Тадқиқотлар натижасида ўнг қирғоқ Амударё худудларида жойлашган бир қатор шаҳар манзилгоҳларидан эллин даври қатламлари ва алоҳида қурилишлар топилган. Улар орасида Душанбени ҳам қайд этиш лозимдир. Тожикистоннинг пойтахтида, Душанбе дарёсидан шаҳар марказига қараб кетган йўлнинг шимолида жойлашган Душанбе кўҳна шаҳрида сўнгги йилларда амалга оширилган қазилар ишлари ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Кўҳна шаҳар ҳудудида бугунги кунда деярли тўлиқ замонавий қурилишлар қурилган бўлиб, шаҳар қалъасининг бир қисми сақланиб қолган. 1989 йилда бу ердан Юнон-Бақтрия даврига, мил.ав. IV-II асрларга оид маданий қатлам аниқланган. Қазилар натижасида 30 та хона очилган бўлиб, хоналарнинг тузилишига қараганда, улар ягона меъморчилик режаси асосида маҳобатли иншоотнинг қисмларидир. Вақт ўтиши билан вайрон бўлган иншоотнинг фақат ғарбий ярми сақланиб қолган. Олинган материаллар мажмуи Юнон-Бақтрия даврида Душанбе кўҳна шаҳри Ҳисор водийсидаги йирик шаҳар марказларидан бири бўлганлигини кўрсатади [8].

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2016. – 766.
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд. А-Бешбалиқ. Таҳрир хайъати: М.Аминов, Б.Аҳмедов, Ҳ.Бобоев ва б.Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2000. – 736 б.
3. Беруний, Танланган асарлар, Т., 1963, 2-ж, 232-б.
4. Бобур, Захириддин Муҳаммад. Бобурнома –Т., “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2002, 336 б.
5. Боднарский М.С. Географик номлар луғати –Т.: Ўрта ва олий мактаб, 1961, 459 б.
6. Иброҳимов А. Бизким ўзбеклар...:Миллий давлатчилигимиз асослари ҳақида мулоҳазалар. – Т.: «Шарқ», 1999. – 400 б.
7. Nakimov Q. Toponimika . –Т.: “Mumtoz so’z”, 2016. 368 б.
8. Все столицы мира: Популярный справочник / Авт.-сост. Л.М.Еремина. – М.: Дрофа, 2001. – 304 с.
9. Никонов.В.А. Краткий топонимический словарь.М., Мысль,1966. 509с.
10. Поливанов Е.Д. О происхождения названия Ташкент, Сб. “В.В.Бартолду”, Ташкент, 1927, 395-400).
11. Указ Президента РК от 23 марта 2019 года №6 «О переименовании города Астаны – столицы Республики Казахстан в город Нур-Султан – столицу Республики Казахстан».